

Театр — миллат маънавиятининг кўзгуси. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, воқеа ва ҳодисалар томошабин кўз ўнгига содир бўлади. Инсон ҳаётининг турфа хил ҳолатлари, ҳар хил тақдирлар билан юзма-юз келар экан, сахнада кечаётган воқеа-ҳодисалар, уларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини идрок этиш орқали ўз ҳаёти, дунёқарошига назар ташлайди ва маънавий завқ олади, руҳий қувват толади. ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро театр институти Австриянинг Вена шаҳрида бўлиб ўтган IX конгрессда 27 мартни Халқаро театр кўни сифатида байрам қилиш ҳақида қарор қилган эди. Мана шунга ҳам 46 йил

Бугун — Халқаро театр кўни
МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

булибди. Ўтган даврда жаҳоннинг илғор мамлакатларида бу кун театр ходимларининг касб байрами сифатида нишонланди. Бугунги кунда юздан зиёд давлатлар қаторида юртимизда ҳам Халқаро театр кўни кенг байрам қилинмоқда. Республикамиз театр жамоалари ўз касб байрамларига катта иходий ютуқлар билан етиб келдилар. Ўтган йили қатор хорижий давлатларда юртимиз санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Театр жамоаларимиз Миср Араб Респуб-

ликаси, Ҳиндистон, Россия ва Қозғоғистонда бўлиб ўтган Халқаро театр фестивали ва танловларида қатнашиб, миллий театр санъатимиз ютуқларини дунёга намойиш этдилар. Айниқса, Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Алмати — 2006» халқаро театр фестивалида олий мукофотни қўлга киритгани мамлакатимизда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилганлигини далolat беради.

(Давоми 4-бетда)

Бир Фармон шарофати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосан мазкур молиявий муассаса «Тадбиркорбанк» негизда ташкил этилган эди. Ушунда ушбу банк зиммасига кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар ажратиш вазифаси юклатилган эди.

бўйича ҳам комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2006 йил якунида 100 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига беш юздан зиёд терминаллар ўрнатилди. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони бурноғи йилга нисбатан уч баробардан кўпроқ бўлди. «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати ту-

ташкил этилди. Минтақавий банк ўқув маркази билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Хоразм вилоят туман филиаллари қошидаги мини банклар ходимлари учун ўқувлар ташкил этилди. Ана шу ва бошқа масалалар тўғрисида яқинда Ўзбекистон Республикаси банклар уюшмасининг мажлислар залида бўлиб ўтган «Микрокредитбанк» ҳиссадорлик тижорат банки акциядорларининг

УСТАВ КАПИТАЛИ
ЎН БАРОБАРДАН
КЎПРОҚҚА ОШДИ

Табиий ҳолда савол туғилади: «Микрокредитбанк» ўз вазифалари ва мақсад-моҳиятидан келиб чиқиб қандай юмушларни амалга оширди? Ўтган вақт ичида Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифаларни қай даражада ундай олди?

Банк ўтган қисқа вақт давомида тадбиркор ҳамюртларимизга, қисқача қилиб айтганда, ҳар бир оилага қўмақлашадиган микромолиявий муассасага айланди. Бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, қишлоқ жойларида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган минибанклар ва агентликлар тизими орқали молиявий инфратузилма тўлиқ шакллантирилди. Ҳозирда унинг 75 та туман филиаллари, 243 та мини банклари ва 11 та агентлиги ишлаб турибди. 2006 йилда банк кассаларига 215 миллиард 829 миллион сўм нақд пул қирим қилинди. Бу бурноғи йилга нисбатан қарийб икки баробар кўп демакдир.

Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига 25,2 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди. Ажратилган қарзлар фойдаланиш йўналиши-

га кўра бошланғич сармояни шакллантириш, бизнесни ривожлантириш, айланма маблағларни тўлдиришга йўналтирилди. Натيجада 22 мингдан ортқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Жумладан, 6 минг нафардан кўпроқ хотин-қизлар иш ўринлари билан таъминланди.

Устав капиталининг оширилиши банк барқарорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Акциядорлар кенгаши аъзолари ва банк ходимлари ушбу йўналишга асосий эътиборни қаратди. Оқибатда шу йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу молиявий муассаса устав капитали 43,3 миллиард сўмни ташкил этди. Ваҳоланки, 2005 йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 4 миллиард сўмдан сал кўпроқ эди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш

ғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрлар муаммосига бориб тақаллаверди». Мамлакатимиз Президентининг ушбу мулоҳазалари халқ ҳўжалигининг барча жабҳалари қатори банк тизими учун ҳам тўла тааллуқлидир. Чунки, ҳар қандай жамоанинг мавқеи, нуфузи, иқтисодий салоҳиятини аввало у ерда меҳнат қилаётган иқтидорли, билимли, илғор фикрли ёш кадрларнинг савияси белгилаб беради.

Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, юқоридagi молия муассасасида бу борада бирмунча ишлар қилинди. Марказий банк номенклатурасига кирувчи раҳбар лавозимлар захирасига номзодлар учун Банк-молия академияси ва Марказий банк ўқув марказида семинарлар

умумий йиғилишида гапирилди. Уни Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари, Банк кенгаши раиси Баҳром Ашрафзонов олиб борди. Банкнинг 2006 йил якуни ва 2007 йилдаги устав вазифалари тўғрисида бошқарув раиси Жамшид Сайфиддинов маъруза қилди.

Мажлисда акциядорлар томонидан бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва қарор қабул қилинди. Унда банкнинг капиталлаштириш даражасини ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг микрокредит ҳамда микролизингга бўлган талабини тўла қондириш каби чора-тадбирлар киритилди.

Гулom ЮСУПОВ,
«Ишонч» муҳбири



ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА
ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Азиз ватандошларимизни яхшилик ва эзгулик айтми билан қутлайди. Наврўз байрамига бахорий кайфияти, хонадонларимизга қут-бароқа, дастурхонимизга пўқкилик олиб келсин!

ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛГЕИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ
ВА ТЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТ ВАКИЛИТИ

Соҳа ишчи-хизматчиларини, барча фуқароларни гўзаллик ва нафосат байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлайди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган халқимизга абадий тинчлик, мустаҳкам соғлик тилайди!

